

Ғарб - дунёдаги болалар ўлимнинг асосий сабабчиси



08:40 / 10.04.2019 2445

“Можароли ҳудудларда ўзларининг қурол-яроғларини сотаётган ғарбнинг бой давлатлари можароларни янада алангалатмоқдалар. Дунёда тўхтамаётган бу урушларнинг асосий сабабчилари Европа ва АҚШнинг бой кишилари ҳисобланади. Агар бу қурол-яроғлар сотилмаганида эди, Афғонистон, Сурия ва Ямандаги урушларга гувоҳ бўлмас эдик”, деб айтган католик дунёси раҳнамоси Папа Францис Сан Карло марказида ўқитувчи ва ўқувчилар билан ўтказган учрашувида. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Папа Францис можароли ҳудудларга қурол сотаётган давлатлар вафот этаётган ҳар бир бола ва бузилаётган ҳар бир оила учун албатта жавоб беришларини маълум қилган. У, шунингдек, Италия ҳукуматининг муҳожирларни қабул қилиш-қилмаслик ҳақидаги ташвишларини ҳам рад

этган. Унинг фикрича, муҳожирларга қўйилаётган турли айбловлар, аллақачон Италиянинг ўзида тарқалиб бўлган жиноятлар ҳисобланади. Associated Press ахборот агентлиги Папа Франциснинг қуйидаги фикрларини ёзади: “Папа мафияси бу нигерияликларнинг кашфиёти эмас, бу бизга тегишлидир. Муҳожирлар бизга бахт омад келтиради. Чунки Европани муҳожирлар қурган”.

Islom.uz